

АЁЛЛАР ЗЎРАВОНЛИГИГА ҚАРШИ БАРЧАМИЗ КУРАШАМИЗ



Оилаларимиз чироғи ва чароғбони бўлган аёл зотига эҳтиром кўрсатиш, уларни эъзозлаш миллий қадриятларимизнинг ажралмас қисмидир.

Ҳаётнинг лаззати ширин турмишда. Эр-хотин иноқ, бир-бирига меҳр-оқибатли бўлишса шунинг ўзи бахтдир. Лекин, бу каби ҳаётнинг лаззатларини англай олмайдиган айрим инсонлар борки, улар ўзининг аёлига, опасингилларига тазйиқ ўтказишдан, зўравонлик қилишдан таб тортишмаяпти.

Мамлакатимизда аёлларга нисбатан зўравонликнинг олдини олиш, зўравонлик қурбонларини реабилитация қилиш бўйича қатор аниқ чоратадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 8 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинган.

Хотин-қизларга нисбатан зўравонлик деганда – хотин-қизларга нисбатан жисмоний, руҳий, жинсий ёки иқтисодий таъсир ўтказиш ёки бундай таъсир ўтказиш чораларини қўллаш билан таҳдид қилиш орқали уларнинг ҳаёти, соғлиғи, жинсий дахлсизлиги, шаъни, қадр-қиммати ва қонун билан ҳимоя қилинадиган бошқа ҳуқуқлари ҳамда эркинликларига тажовуз қиладиган ғайриҳуқуқий ҳаракат (ҳаракатсизлик) тушунилади.

Хотин-қизларни бу каби зўравонликлардан ҳимоя қилиш мақсадида ҳимоя ордери берилади ва бу тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчига давлат ҳимоясини тақдим этувчи, хотин-қизларга тазйиқ ўтказаётган ёки уларга нисбатан зўравонлик содир этган шахсга ёхуд бир гуруҳ шахсларга нисбатан Қонунда белгиланган таъсир кўрсатиш чоралари қўлланилишига сабаб бўладиган ҳужжатдир.

Девонхона мудири в.б Н.Соатов